

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИКА ИННОВАЦИЯ, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ
ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КАДИРОВА ГУЛНОРА ХАСАНОВНА

**КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КИМЁВИЙ
ТАЖРИБАЛАРНИ ЎТКАЗИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Кадилова Гулнора Хасановна

Креатив ёндашув асосида ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни
ўтказиш компетенциясини шакллантириш..... 3

Кадилова Гулнора Хасановна

Формирование у учащихся компетенций по проведению химических
опытов на основе креативного подхода.....

Kadirova Gulnara

Formation of students' competencies in organizing and conducting
chemical experiments based on a creative
approach.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИКА ИННОВАЦИЯ, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ
ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КАДИРОВА ГУЛНОРА ХАСАНОВНА

**КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КИМЁВИЙ
ТАЖРИБАЛАРНИ ЎТКАЗИШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped895 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогика инновация, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Ходжабаев Анарбой Рустамович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Салиева Зухра Тахировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iirpo.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.
Ш.Э.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,
проф.

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., проф.

Қ.Т.Олимов

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё таълими соҳасини модернизациялаш, муқобил таълим технологияларни татбиқ этиш, ўқитишнинг методик асосларини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир қатор ривожланган мамлакатларда инновацион стратегияларни кимё ўқитиш жараёнига татбиқ этиш асосида ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, уларни интеллектуал ривожлантириш, таянч ва фанга оид махсус компетенцияларни шакллантиришда янги ғояларни амалиётга татбиқ этиш бўйича олиб бораётган ишлари кўзга ташланмоқда. Халқаро миқёсида кадрлар компетенциясини ва ўқувчилар билиминини баҳолашга қаратилган “PIAAC” ҳамда PISA, TIMSS, PIRLS каби дастурлардан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Халқаро педагогик тажрибаларга асосан, жумладан, ЮНЕСКО нинг Берлин декларацияси ва “Таълим-2030” халқаро ҳаракат дастурида таъкидланишича янги педагогик лойиҳаларни амалга ошириш ва инновацион ютуқларни амалиётга кенг татбиқ этиш ҳамда таълим сифати даражасини янги босқичга кўтаришда бўлажак мутахассисларни креатив фикрлаш, муаммолар ечимига ностандарт ёндашиш фаолиятига тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Креатив фикрлайдиган, ўз билим, кўникма ва малакаларини мустақил ва узлуксиз ривожлантирадиган, ҳар томонлама мукамал билимга эга бўлган шахсларни тарбиялаш масаласи мактаб таълим-тарбиясининг долзарб муаммоларидан биридир.

Сўнгги йилларда ана шу муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё, биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”ги ПҚ-4805-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизими муаммолари Б.Зиёмухаммадов, Н.Н.Азизходжаева, Н.С.Сайдахмедов, Х.Т.Омонов, Ш.Мамажонов тадқиқотчилардан Ш.Ш.Бегматов, Э.У.Закинов, Э.У.Эшчанов, С.А.Низамова, Ж.Э.Усаров, Б.М.Дўмонов, Р.Ш.Бердиқулов турли замонавий таълим методлари, мустақил ишлардан ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари ишларда самарали фойдаланиш методикаси, дидактик ўйинлар, кимёнинг амалий аҳамиятига доир маълумотлар асосида мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш бўйича бир қатор олимлар томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.В.Гузеев, О.С.Зайцев, Г.К.Селевко, Г.М.Чернобельская таълим самарадорлигини оширишга қаратилган турли анъанавий ва замонавий методлар, мустақил ишларнинг турлари, шакли ва уларнинг ўқув жараёнидаги ўрнини тадқиқ этишган. Ўқувчиларнинг тажриба ўтказиш кўникмаларини ривожлантириб боришга оид И.П.Балаев, М.П.Руденко, Т.А.Шипарева тадқиқот ишларида уй шароитида тажрибага оид масалалар ечиш ва тажрибаларнинг бажарилишини ташкил этиш, уларни амалиётга татбиқ этишнинг илмий-методик асослари ёритилган.

Таълимда компетенциявий ёндашув, таълим сифатини компетенциявий параметрлар билан боғлаш, компетенциявий талабларни таълим стандартларида ва тизимларида амалга ошириш муаммолари бўйича республикада Р.Джураев, Н.А.Муслимов, Ш.Шарипов, О.Жамолитдинова, З.Исмаилова, У.Маҳкамов, Ш.Мардонов, Б.Адизов, О.Мусурмонова, Н.Ортиқов, Б.Рахимов, Д.Рўзиева, Д.Ҳимматалиев, О.А.Кўйсинов, Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмиддинова ва хорижлик олимлар Э.Ф.Зеер, И.А. Зимняя, Л.М. Долгова, Н.В. Кузьмина, А.К. Маркова ва бошқалар томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган.

Креатив ўқитиш муаммолари бўйича М.Уразова, О.Кўйсинов, Г.Ибрагимова, А.Халиков, Ш.Абдураимов, А.Арипжанова, М.Кадирова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилиб, илмий - методик асослари ишлаб чиқилган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида креативликни шакллантириш масаласи, F.Barron, D.Harrington, E.Hui, R.Sun, M.Wallach, N.Kogan, A.Maslow, S.Mednick, D.MacKinnon, K.Urban, R.Sternberg, D.Wechsler, S.Thaler, E.Torrance ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган.

Муаммони назарий жиҳатдан ўрганиш натижасида ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда республикада умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитишга доир муайян тажриба тўпланганлигига қарамай мазкур ўқув фани мазмунини бойитиш, уни таркибий жиҳатдан такомиллаштириш, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ошириш асосида билимларнинг пухта ўзлаштирилишига қаратилган ишлар етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди. Бу эса инновацион таълим технологиялари ёрдамида ўқувчиларда

таянч ҳамда фанга оид умумий компетенцияларини самарали шакллантириш масаласини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Олий таълим муассасаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида амалий машғулотлар жараёнида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини креатив ёндашув асосида шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим кимё фанига оид умумий компетенцияларнинг тузилмавий компонентларининг педагогик мазмуни ва моҳиятини, мезонлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш;

ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ташкил этиш ва амалга ошириш компетенцияларини шакллантириш методикасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш;

кимё фанини ўқитиш жараёнида интерфаол ўқитиш методларининг педагогик имкониятларидан фойдаланиш ва электрон таълим ресурсларини қўллаш орқали кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш дидактик таъминотини такомиллаштириш;

кимё фанидан амалий-лаборатория машғулотларида ўқувчиларнинг кимёвий компетенцияларини шакллантириш даражасини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва тайёргарлик даражаларини ташхислаш-баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: умумий ўрта таълим мактабларда ўқувчиларни кимё фанидан ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети: ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини креатив ёндашув асосида шакллантиришнинг мазмуни, шакл, босқичлари, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Педагогик-психологик ва илмий адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш; ДТС ва ўқув дастурлари, ўқув-тарбия фаолиятини кузатиш, анкета-сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба–синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижаларни математик-статистик ишлов бериш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида кимё фанидан амалий машғулотларда ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш мазмуни ижтимоий-маданий, синергетик, феноменологик ва креатив ёндашувларни ўзаро яхлитлаш асосида аниқланган;

кимё фанидан амалий-лаборатория машғулотларини креатив ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўқув-билиш, тажриба ўтказиш ўқув-тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш тизими ва модели такомиллаштирилган;

кимё фанини ўқитишда креатив ёндашувлардан фойдаланиш асосида ўқувчиларда тажриба ўтказиш компетенцияларини шакллантиришда инновацион таълим, модулли, лойиҳаловчи, ривожлантирувчи, фаолиятли дидактик таъсир воситалари асосида такомиллаштирилган;

кимё фанини замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш асосида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларни шаклланганлигини баҳолаш мезонлари аниқланган ҳамда мотивацион, когнитив, операцион кўрсаткичлари ва даражалари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда кимёвий компетентликни креатив ёндашув асосида шакллантиришнинг илмий асосланган модели цикли технологиялар билан интеграциялашган ҳолда такомиллаштирилди ва таълим жараёнига тадбиқ этилди;

ўқувчиларнинг кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларининг шакллантириш мақсадида “Органик кимё фанидан лаборатория ва амалий машғулотлар” номли тўплам ҳамда “Органик кимё” номли ўқув-услугий қўлланма ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

кимё фанидан тажриба-синов ишларини ўтказишда фойдаланиш учун умумий ўрта таълим мактабларда ўқувчиларига мўлжалланган “Органик кимёдан лаборатория ва амалий машғулотлар” номли машқ дафтари ҳамда “Кимё фанидан лаборатория ва амалий машғулотлар” видеодарслар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди;

умумий ўрта таълим мактабларда ўқувчиларнинг кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон берувчи амалий мазмундаги масалалар, компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли-тажрибавий топшириқлар, тажрибаларни ўтказиш компетентлигини баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида ишнинг назарий асослари сифатида педагогика, психология, фалсафанинг таянч позицияларидан фойдаланилгани; тадқиқот юзасидан бир қанча манбаалар ва адабиётлар таҳлил қилингани; бир-бирини тўлдирадиган назарий ва эмпирик тадқиқот усулларида ўзаро алоқадорлик асосида фойдаланилгани; ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни амалга ошириш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини ривожлантиришнинг илмий-методологик, педагогик ва дидактик яхлит моделини яратишда тизимли, фаолиятли ва компетенциявий ёндашувлар танлангани; тажриба-синовдан олинган натижалар бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар хулосалари асосида тайёрланган ва таълим жараёнига татбиқ этилгани; тажриба-синов ишининг ҳар бир босқичида сифат ва миқдор кўрсаткичларининг атрофлича таҳлил қилингани; тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик

таҳлилларга асослангани; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини такомиллаштиришнинг педагогик модели яратилгани; техник-технологик масалалар, лойиҳалар, амалий машғулотлар тизимининг ишлаб чиқилгани; ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни амалга ошириш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини такомиллаштиришни аниқлаш бўйича мезон ва кўрсаткичларнинг аниқлангани ва тавсифлангани; амалий машғулот масалаларига оид таълимни ташкил этиш жараёни учун илмий-услубий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилгани; ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини такомиллаштиришга қаратилган таълим захираларининг яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини такомиллаштиришда таълимни ташкил этиш шакл, метод ва воситалари, ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини такомиллаштириш моделининг самарали ишлашига ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитлар аниқлангани ва синовдан ўтказилгани, кимё фанидан ўқувчиларнинг назарий, амалий ва лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар берилгани, шунингдек, диссертация материалларидан ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантиришда креатив ёндашувини такомиллаштириш жараёни, унинг оптимал усул ва услубларини танлаш, уларда креатив ёндашуви даражасини аниқлаш, баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида амалий машғулотлар жараёнида кимёвий тажрибаларни амалга ошириш компетенцияларини креатив ёндашув воситасида шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

Кимё фанидан амалий-лаборатория машғулотларини креатив ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий таянч билимларининг меъёрий, тизимли даражаларини инновацион таълим муҳитини моделлаштиришга оид таклифлар А-1-230 рақамли “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш” номли грантни бажаришда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 14-сентябрдаги 02-07-2376/04 сонли далолатномаси) Натижада ўқувчиларда амалий тажрибалар ўтказиш компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган;

кимё фанини ўқитишда креатив ёндашувлардан фойдаланиш орқали ўқувчиларда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш усулларига ўргатиш методикасини такомиллаштиришга оид таклифлар “Кимё” фанидан давлат таълим стандартлари мазмунига сингдирилган. Натижада кимё фанидан амалий-лаборатория машғулотида ўқувчиларнинг кимёвий компетенциясини шакллантиришда даражасини баҳолаш имконияти оширилган;

кимё фанини замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик мазмунини такомиллаштиришга оид таклифлар “Kimyo” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 434-сонли буйруғи асосида берилган 434-179 рақамли гувоҳнома). Натижада, ўқувчиларнинг ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллай олишини ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та муаллифлик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, 144 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида кимёвий компетенцияларни шакллантиришнинг илмий назарий асослари**” деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш каби вазифалар

белгиланган. Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларини белгилашда Концепцияда белгиланган вазифаларнинг натижадорлигини таъминлаш, фанни ўқитишда мавзуларга йўналтирилган дидактик таъминотни ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш масалалари асос қилиб белгиланди.

Диссертациянинг ушбу бобида умумий ўрта таълим муассасаларида кимё фанини ўқитиш бўйича илмий тадқиқот ишлари таҳлили, амалдаги ҳолати, кимё таълими самарадорлигига эришишда қўлланиладиган инновацион ёндашувлар таҳлил этилиб, креатив ёндашувнинг дидактик имкониятлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, кимё ўқитиш методикасида маълум даражани эгаллаган тажриба тушунчаси изоҳланиб, унинг кимё фанини ўқитишдаги роли ҳақида сўз боради. Жумладан: умумий ўрта таълим мактаблари кимё ўқув фанида тажриба ўрганишнинг ўзига хос объекти, тадқиқот методи, модда ва кимёвий реакциялар ҳақида янги билимларни олиш манбаси ва воситаси саналади. Замонавий фанларда тажрибанинг ранг-баранг шакллари қўлланилади.

Тажрибани тушунишга бўлган икки хилдаги аниқ ёндашувларнинг таҳлили изоҳланади: дидактикада тажриба – бу мактаб ўқувчиларини ўқитиш методи; методикада – ўқув-билиш фаолиятининг бир тури. Бизнинг назаримизда, ёндашувларни бу каби фарқлашда ўта кучли ёки ҳал қилиниши мумкин бўлган зиддият, қарама-қаршилик йўқ, чунки тажриба ҳам, метод ҳам фаолият сифатида ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ўз ичига олади. Тажрибани бу каби тушуниш дидактикада умумқабул қилинган қоида «таълим методлари» тушунчаларидан келиб чиқади.

Ўқув тажрибаси илмий тажрибага ўхшамайди, лекин у билан бир қатор умумий жиҳатларга эга. Таълим жараёнида тажрибани кенг жорий қилиш илмий тажриба хусусиятларини тўғри тушунишни шакллантиришга ёрдам беради, келажакда ўқувчиларни уларни бажаришга тайёрлайди.

Тадқиқот ишида келтириб ўтилган барча тажриба турлари амалий тадқиқотлар соҳасида қўлланилади. Уларнинг вазифалари - аниқ назарий моделларни текширишдан иборат.

Ушбу бобда тажриба турларининг таснифи ёритилиб, тажриба таркиби аниқлаштирилди. Тажриба таркибини аниқлаш – бу барча фаолият турларининг нисбатан муҳим ва умумий жиҳатларини ажратиш олиш, уларни бажариш изчиллигини аниқлашни англатади.

Кимё фанидан таянч ва фанга оид умумий компетенциялар тушунчасига ватанимиз ва хорижий олимлар томонидан берилган турли хил фикрлар таҳлил этилиб, кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясига тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қаралди. Тажрибани ўтказиш компетенцияларини тизим сифатида қараш эса, ўз навбатида, унинг ички тузилиши, муносабатларини ва алоқаларини аниқлашга имкон беради. Кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциялари тадқиқотдаги вазифаларига қараб бир неча таркибий қисмларга ажратилиши мумкин. Тизимли ёндашув асосида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияси назарий-мотивацион, фаолиятли-операцион ва натижавий-рефлексив каби компонентлардан ташкил

топганлиги аниқланди ва уларнинг мазмун ва моҳияти аниқлаштирилди.(1-расм)



1-расм Кимёвий тажрибалар ўтказиш компетенциясининг тузилмавий компонентлари

Бундан келиб чиққан ҳолда кимё фанини ўқитишда компетентли таълимни ривожлантириш ғояси ва уни педагогик амалиётга татбиқ этиш асосида ўқувчиларнинг умумий тайёргарлик сифатини оширишга олиб келувчи мақсадлар белгиланди:

- ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимларига ва ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда кимё фанининг энг муҳим кимёвий тушунчалари ҳамда кимё ўқув хонасида ишлаш хавфсизлиги билан таништириш ва кимёвий воситалардан хавфсиз фойдаланишини таъминлаш;

- ўқувчиларни табиатда содир бўладиган кимёвий ўзгаришларнинг маълум қонуниятлар асосида содир бўлишини, кимёвий элементлар, моддаларнинг хоссалари, тузилиши, таркиби, анорганик ва органик моддалардан кундалик турмушда фойдалана олиш ҳамда таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимларни эгаллаши, улардан кундалик ҳаётда фойдаланишга ўргатиш;

- кимёвий ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳаллий экологик муаммоларни тушуна олиш.

Креатив ёндашув ўқувчиларда таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантириш билан бир қаторда фаолият тажрибаларини орттириш, янги билимларни мустақил тарзда излаб топишга тайёр бўлиш, керакли қарорларни мустақил қабул қилиш ва ўз масъуллигини англаб етиш каби жиҳатларни шакллантиришни ҳам тақозо этади. Шунинг учун билим мустаҳкам, онгли, оператив, мослашувчан, чуқур ва тўлиқ бўлиши, яъни билимлар сифат ўзгаришига оид бўлиши керак бўлади.

Мазкур бобда “креативлик” ва “ижодкорлик” тушунчалари қиёсий

таҳлил этилди. Ушбу тушунчаларни ажратиш учун ижодкорлик психологияси тадқиқотчилари иккита хусусиятдан фойдаланишни тавсия этадилар: жараёнга асосланган (ижодкорликни кўрсатиш учун) ва субъектив-шартли (креативликни кўрсатиш учун).

Замонавий шароитлар шахсдан нафақат билимларни ўзлаштиришни, балки билимнинг бир соҳадан бошқасига ўтказиш қобилиятини, фикрлаш, баҳслашиш, ўз нуқтаи назарини исботлаш ва фаразларни илгари суриш қобилиятини талаб қилади. Шу боис креатив ёндашувнинг ўқувчиларни ўзини ўзи ривожлантиришдаги психологик, педагогик имкониятлари изоҳланди.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор юқори синф ўқувчиларини креатив ёндашув асосида тажриба ўтказиш ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш ҳамда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш босқичлари ва педагогик шарт-шароитлари, ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик модели, ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш масалаларини ёритишга қаратилган.

Ўқувчиларнинг тажриба ўтказиш ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига маълум бўлмаган фактларни очишга олиб келадиган изланиш характеридаги ҳаракатлар мажмуи, назарий ва амалий билимлар натижаларининг йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Ўқувчилар шундай йўллар билан кимёда мавжуд асосий тадқиқот методлари билан танишадилар, билимларни мустақил эгаллаш кўникмаларига эга бўладилар.

Тадқиқотчилик кўникма ва малакалари - бу тадқиқотларни мустақил амалга ошириш учун зарур бўлган интеллектуал, тактик намуналар тизимидир.

Тажриба ўтказиш ўқув-тадқиқотчилик фаолияти ўқувчилар томонидан янги билимларни, назарий ҳолатларни текшириш, олинган билимларни умумлаштириш, ўқувчилар томонидан олдин ўзлаштирилган билимларини янги ностандарт шароитларда қўллаш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Сўнги йилларда назарияда, жумладан амалиётда ўқув-тадқиқот усуллари тизимини яратишга эътибор кучайди, чунки бу ўқувчиларнинг ностандарт мазмунда қўйилган муаммоларни самарали ҳал қилишлари учун зарурий шартлиги билан изоҳланади. Уларга умумилмий методлар ҳамда махсус кўникмалар мансуб бўлади. Р.Г.Иванова билан А.Г.Иодколар томонидан тавсия қилинган тадқиқотчилик усуллари тизиминини биз креатив ёндашувга асосланган ҳолда такомиллаштирдик.(2-расм)

Тадқиқотчилик характеридаги кимёвий тажрибани ўтказиш учун у ёки бу тадқиқотчилик кўникма ва малакаларга эгалликнинг ўзи етарли эмас. Бу ўринда ўқувчилардан мажмуавий тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини ўзлаштирилганлик талаб этилади. Методик адабиётларни таҳлил қилиш, изланувчи-олимлар томонидан таклиф қилинган тадқиқотчилик кўникмалари бўлиниш тамойилларини умумлаштириш асосида биз ўқувчиларни тажриба

Ўтказиш ўқув-тадқиқот фаолият усулларига ўргатишда уларнинг креатив фикрлашларини ривожлантириш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш, мазкур жараён нисбатан самарали кечади, деган фикрни илгари сурдик.



2-Расм. Тажриба ўтказиш ўқув-тадқиқотчилиқ фаолияти усуллари тизими


Ўқувчиларнинг кимё фанидан материалларни ўзлаштиришларига ижодий муносабатларининг хулқий жиҳатлари уларнинг ўқув-билув фаолияти бош вазифаларини бажаришларида мустақиллик ва ижодий фаоллиги ахлоқий ёндашувлари билан белгиланади.

Юқори синф ўқувчиларини тажриба ўтказиш ўқув-тадқиқотчилиқ фаолиятига тайёрлаш методикасини ишлаб чиқишда биз қуйидаги тамойилларга асосландик: кимё фанидан умумий ўрта таълим дастурларини ҳисобга олган ҳолда тажрибаларни ўтказишда мавжуд таркибий билимларини фаоллаштириш, амалий кўникма элементлари таркибини фаоллаштириш; ақлий ҳаракатлар усулларидадан максимал фойдаланишни таъминлаш; вазиятлар янгилиги ва ноодатийлиги; кимёвий тажрибани амалга ошириш вариативлиги; фанлараро алоқаларни таъминлаш; кимёвий тажрибалар мураккаблиқ даражасининг хилма-хиллиги.

Тадқиқот ишида тавсия қилинаётган методикалар лаборатория ва амалий машғулотларга, ўқув материалларига креатив ёндашувни тўғри ташкил қилиш асосида эътироф этилаётган мақсадларга эришиш имконини яратади.

Кейинги методик ишлар ўқувчиларнинг кимёдан таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган. Хусусан, кимё фанидан лаборатория ва амалий машғулотларга мўлжалланган “Интеграцион цикл

технологияси” креатив ёндашув асосида такомиллаштирилди ва таълим жараёнига татбиқ қилинди. (3-расм.) “Интеграцион цикл” технологиясини таълим жараёнида қўллашнинг технологик харитаси ва ишланмаси келтирилди.



3-расм. Интеграцион цикл технологиясини амалга оширишда ўқувчилар ролларининг алмашилиш вариантлари.

Интеграцион цикл– ўқувчи бажарувчи, кузатувчи, шархловчи ролларида бир марта иштирок этадиган лаборатория тажрибалари йиғиндиси.(3-расм)

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш жараёнини яхлит тасвирлаш учун интерфаол ўқитиш методлари воситасида педагогик моделнинг таркибий қисмлари ишлаб чиқилди. Моделнинг конструктив асоси бўлиб, тажрибалар ўтказиш компетенциялар мазмуни ва тузилмаси хизмат қилади. Моделини лойиҳалаштиришда унинг интегратив характерига асосланиб қуйидаги тузилмавий компонентлари аниқланди: мақсадли, назарий ва услубий, жараён фаолиятли, ташкилий-тузилмавий ҳамда натижаларни баҳолаш.(4-расм)

Мақсадли компонент ташкилий компонент ҳисобланиб, у креатив ва ўзини-ўзи бошқара оладиган битирувчиларга бўлган замон талабни эътиборга олади.

Ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантириш компетенцияси мотивацион, операцион ва рефлексив компонентлардан иборат. Мотивацион компонент тажрибанинг аҳамиятини тушуниш, тажрибалар ўтказиш компетенциясининг эгаллашга эҳтиёжнинг мавжудлигини аниқлайди. Операцион компонент тажриба доирасидаги билимларни тизимлаштириш, таҳлиллаш, натижаларни таққослаш ва хулосаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Рефлексив компонент

мураккаблик даражаси турлича бўлган тажрибаларни бажариш, тадқиқотчиликка оид кўникма ва малакаларни намоён этиш ва мустақил фаолият олиб боришни белгилайди.

Назарий ва услубий компонент таркибига ёндашувлар, дидактик таъминот ва тамойиллар киради. Моделга креатив, тизимли, шахсга йўналтирилган, фаолиятли, контекстли ёндашувлар методологик асос қилиб олинган. Креатив ёндашув изланувчанлик ва яратувчанликни рағбатлантиришга, тизимли ёндашув модель компонентларини ўзаро алоқадорлигига, компетенцияларни шакллантиришда бир бутунлик жиҳатига эътибор қаратишни назарда тутди.


Контекстли ёндашув ўқувчиларни кўпроқ амалиётга йўналтирилишига имкон беради, шахсга йўналтирилган ёндашув эса ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари имкониятларини ҳисобга олишга ва уларни шахс сифатида камолотга етказишга, фаолиятли ёндашув эса ўқувчиларда тажрибалар ўтказиш компетенцияларини шакллантириш жараёни хусусиятларини ўрганиш, моделдаги мазмунли-технологик компонентларни эгаллашни фаоллаштирувчи ва рағбатлантирувчи ўқитишнинг метод, восита ва ташкилий шакллари танлашга имкон беради.

Назарий-услубий компонент таркибига кирувчи дидактик таъминот блокдан ўқув дарслиги ва тадқиқот ишининг амалий натижаларидан саналувчи “Органик кимё” ўқув қўлланмаси, “Chemistry and life” электрон платформаси, кимёвий тажрибаларни ўтказишга мўлжалланган машқ дафтари жой олган. Ушбу дидактик материалларда ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини муваффақиятли шакллантиришда тажриба ишларининг вариативлиги ва оптималлигига эътибор қаратилган.

Ташкилий-тузилмавий компонент ўқувчиларнинг кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш жараёни мазмунини аниқлайди. Мақсад ва натижа компонентларини узвийлигини кўрсатиб беради. Шунингдек моделнинг ўзига хослигини намоён этади.

Натижавий-баҳолаш компоненти моделнинг самарадорлигини акс эттиради. Баҳолаш мезонлари адаптив-назарий, конгнитив-фаолият ва рефлексив-изланувчанлик даражаларига ажратилган бўлиб, ўқувчи фаолиятини таҳлил қилиш ва фикр юритишга имкон беради.

Тадқиқот ишимиз доирасида олиб борган изланишларимиз натижаларига таяниб, ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантирилганлик даражаларини репродуктив, продуктив ва креатив кабиларга ажратдик.



4-расм. Креатив ёндашув асосида ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенциясини шакллантиришнинг функционал-тузилмавий модели

Диссертациянинг “Кимё фанидан амалий-машғулотларда ўқувчиларда тажриба синов ишларини ўтказиш методикаси” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба синов ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш методикаси ва педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари Тажриба-синов ишлари 2019-2021 йилларда Фарғона вилояти Қўқон шаҳар 8- ва 23-умумий ўрта таълим мактабларида, Фарғона вилояти Қўштепа туман 47-умумий ўрта таълим мактабида, Тошкент вилояти Тошкент тумани 24-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Тошкент шаҳар 208-умумий ўрта таълим мактабларида қуйидаги амалий босқичларда олиб борилди:

1. Аниқлаш ва тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдони аниқлаб олинди. Тажриба синов учун танлаб олинган мумий ўрта таълим муассасаларида кимё фанини ўқитишнинг жорий ҳолати аниқланди, ўқув меъёрий ҳужжатлар, ўқув режа ва дастурлар намуналари таҳлил қилинди ва фараз шакллантирилди.

2. Амалга ошириш босқичида ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Моделни самарали амалга оширишда педагогик шарт-шароитлар аниқланди, компетенцияларни шакллантириш жараёнини такомиллаштириш йўналишлари, мазмуни ва технологиялари белгилаб олинди.

3. Яқунловчи босқичида тажриба-синов ишлари натижалари сарҳисоб қилинди, яқуний диагностик ташхислар ўтказилди, натижалар қайта кўриб чиқилди, тажрибадан ўтказилган маълумотлар тизимлаштирилди ва иш натижалари расмийлаштирилди.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида тажрибаларни ўтказиш компетентлигини баҳолаш методлари умумий натижаларидан хусусий натижаларга йўналтирилган тамойил асосида тест, хаёт фаолиятига йўналтирилган сўровнома, амалий-муаммоли мазмундаги масалалар ечиш, кимёвий моддаларни қўлланилиши доирасида савол-жавоб, амалий машғулотлар, мустақил ишлар натижаларини қамраб олди ва тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган компетенциявий баҳолаш индикаторлари асосида аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг тажриба-синов майдонларида 2019-2021 йилларда олиб борилган тажриба синов ишларида Қўқон шаҳри 8-умумий ўрта таълим мактабидан 70 нафар, 23-умумий ўрта таълим мактабидан 48 нафар, Қўштепа тумани 47-умумий ўрта таълим мактабидан 44 нафар, Тошкент тумани 24-умумий ўрта таълим мактабидан 125 нафар ва Тошкент шаҳар 208-умумий ўрта таълим мактабидан 126 нафар ўқувчилар ва педагоглар иштирок этдилар.

Жами 414 нафар иштирок этган респондентларнинг 206 нафари тажриба гуруҳларида, 208 нафари эса назорат гуруҳларида қатнашди. Кимё фанига оид умумий компетенциялар мазмунидан келиб чиққан ҳолда кимёвий

тажрибаларни ташкил этиш ва амалга ошириш компетенцияларини шаклланганлигининг креатив, продуктив, репродуктив даражалари аниқланди.

Тажриба бошида ва тажриба охирида олинган натижалар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни қўйидаги жадвалда келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетентлигининг шаклланганлик даражалари


Компетентлик даражалари	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида 209 нафар ўқувчи		Тажриба охирида 206 нафар ўқувчи		Тажриба бошида 209 нафар ўқувчи		Тажриба охирида 208 нафар ўқувчи	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Креатив(юқори)	30	14.6%	62	30,69%	25	12.01%	26	12,71%
Продуктив(ўрта)	87	41.3%	117	57,92%	84	39.49%	88	41,31%
Репродуктив(паст)	91	44,1%	23	11,59%	100	59,50%	94	47,08%
Жами	208	100	206	100	209	100	208	100

Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида тажрибаларни ўтказиш компетентлигининг шаклланганлик даражалари бўйича натижалар:

-тажриба бошида назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг 12,01% юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 12,71% юқори даражага эришди, тажриба гуруҳларида тажриба бошида ўқувчиларнинг 14,60% юқори даражага эришган бўлса, тажриба охирида 30,69% юқори даражага эришилди;

-ўртача кўрсаткичга эришган ўқувчилар сони назорат гуруҳларида тажриба бошида 39,49%, тажриба охирида 41,31% ни ташкил этди, тажриба гуруҳларида тажриба бошида 41,30%, тажриба охирида 57,92% ташкил этди;

-паст даражадаги кўрсаткичли ўқувчилар сони назорат гуруҳларида 59,05% дан 47,08% гача камайди, тажриба гуруҳларида эса 44,10% дан 11,59% гача камайган. (5-расм)



5-расм. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида компетенцияларни шаклланганлик даражалари диаграммаси

Тажриба-синов ишлари натижасида олинган кўрсаткичлар мослиги ва фарқларининг ҳаққонийлигини текшириш учун Стьюдент-Фишер математик-статистика услубидан фойдаланилди (2-жадвал).

2-жадвал

Миқдорий мезонлар кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		Тажриба гуруҳи m=208	Нazorат гуруҳи n=206	Тажриба гуруҳи m=209	Нazorат гуруҳи n=208
1.	Ўртача арифметик қиймат	3,53	3,43	4,03	3,60
2.	Самарадорлик кўрсаткичи	1,03		1,12	
3.	Ўртача қиймат ишонч оралиғи	[3,46;3,61]	[3,36;3,55]	[3,96;4,10]	[3,52;3,73]
4.	Ўртача қиймат стандарт хатолик	0,64	0,60	0,55	0,67
5.	Стьюдент статистикаси (Т)	1,95		8,23	
6.	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₀ гипотеза қабул қилинади		H ₁ гипотеза қабул қилинади	

Ўтказилган тажриба-синов ишлари якунида тажриба гуруҳлари ўқувчиларида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларининг шаклланганлик даражалари назорат гуруҳларига нисбатан 12% юқори эканлиги математик-статистик методлар орқали исботланди. Тажриба-синов ишлари натижалари ташкил этилган машғулотларнинг самарали эканидан далолат беради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқувчиларда интеллектуал, экспериментал, коммуникатив фаолият олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва мустақил таълимни фаоллаштириш орқали амалга оширилиши таълимнинг динамик, интегратив тизимини шакллантиришнинг мақсадли жараёни эканлиги асосланди.

2. Кимё фанига оид умумий компетенцияларнинг тузилмавий компонентларининг педагогик мазмуни ва моҳияти, мезонлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқланди.

3. Ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ташкил этиш ва амалга ошириш компетенциясининг тузилмаси (мотивацион, операцион, рефлексив) назарий жиҳатдан асосланди ва уларнинг шаклланганлик даражасини (продуктив, репродуктив, креатив) аниқлаш мезонлари ва уларга мос кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

4. Ўқувчиларда кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларини шакллантириш методикасининг дидактик таъминоти мазмуни ўқитишнинг интерфаол методлари (Mind Map, KWL, “Ўзганинг фикри”, “10 та кашфиёт”) ва воситалари (амалиётга йўналтирилган масалалар, тадқиқотчилик ҳарактеридаги амалий ишлар)дан фойдаланилган ҳолда тўлдирилди ва такомиллаштирилди.

5. Ишлаб чиқилган услубий тизим асосида умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчилари учун амалий ишлар ўқув дастурини, тавсифини ўз ичига олган ўқув-услубий тўплам ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига тадбиқ этилди. Мураккаблик даражаси турлича бўлган 10-синфлар учун лаборатория тажрибалари, амалий машғулот ўқув жараёнини оптималлаштиришга қаратилган вазиятли вазифалар тизимлаштирилди.

6. Кимё фани бўйича амалий машғулотларда ўқувчиларнинг шаклланган кимёвий компетентцияларининг сифатини муҳим таркибий қисми сифатида баҳолаш мезонлари (лаборатория тажрибалари, шарҳлар, объектив бошқарув элементлари бажарувчиларининг тўғри ҳаракатлари фоизи; индивидуал ҳисобот топшириқларини баҳолашнинг скорлама тизими) кўрсаткичлари ва тайёргарлик даражаларини ташхислаш-баҳолаш воситаларини ишлаб чиқилди.

7. Тажриба-синов ишлари натижаларини математик - статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш асосида тадқиқотда илгари сурилган ғояларнинг мақсадга мувофиқ қўйилганлиги асосланди ва тажриба гуруҳи

респондентларининг интеллектуал кўникмаларини ривожланганлиги назорат гуруҳи респондентларига нисбатан 12%га юқорилиги исботланди.

Илмий-тадқиқот яқунларига биноан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида кимёвий тажрибаларни ўтказиш компетенцияларинининг шакллантириш бўйича **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Умумий ўрта таълим кимё фани дастурларида амалий машғулотлар ҳажмини оптималлаштириш, таълимда индивидуал ёндашувга асосланган дидактик таъминотни ташкил этиш лозим.

2. Ўқувчиларнинг танқидий ва креатив фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган амалий мазмундаги масалалар, амалий машғулотлар ҳажмини ўқув режаларидан кенгрок жой олишига эришиш индивидуал таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

3. Экологик муаммоларга, кимё саноатининг бугунги кун ютуқлари ва муаммолари доирасида дебат, муаммоли маърузалар, баҳс-мунозарали семинарлар ташкил этиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ,
ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ КВАЛИФИКАЦИИ
РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

КАДИРОВА ГУЛНОРА ХАСАНОВНА

**ФОРМИРОВАНИЕ У УЧАЩИХСЯ КОМПЕТЕНЦИЙ ПО
ПРОВЕДЕНИИ ХИМИЧЕСКИХ ОПЫТОВ НА ОСНОВЕ
КРЕАТИВНОГО ПОДХОДА**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (химия)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.PhD/Ped895.

Диссертация выполнена в Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования.

Научный консультант: **Ходжабаев Анарбой Рустамович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамидов Жалил Абдурасулович**
доктор педагогических наук, профессор

Салиева Зухра Тахировна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iirpo.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Ш.Э.Курбонов
Председатель Научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

С.Ю.Ашурова
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор

К.Т.Олимов
Председатель Научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире особое внимание уделяется практике модернизации сферы химического образования, внедрению альтернативных образовательных технологий, совершенствованию методической базы обучения в соответствии с современными тенденциями развития. На основе реализации инновационных стратегий в процессе обучения химии в ряде развитых стран замечены работы над воплощением новых идей в активизации знаний учащихся, в их интеллектуальном развитии, в формировании базовых и специальных компетенций в науке. Повышение качества международного обучения химии, внедрение инновационных и информационных технологий в учебный процесс, интеграция, использование возможностей смешанных технологий обучения направлены на создание современного методического обеспечения, ориентированного на развитие умственных и творческих способностей учащихся. Широко внедряются международные исследования как “PIAAC” и PISA, TIMSS, PIRLS по оценке уровня профессиональной подготовки и знаний учащихся.

Как отмечается в Берлинской декларации ЮНЕСКО и международной программе действий «Образование-2030», и согласно международному педагогическому опыту в реализации новых педагогических проектов и повсеместном применении инновационных достижений на практике и поднятии качества образования на новый уровень важную роль играет подготовка будущих специалистов к креативному мышлению, нестандартному подходу к решению задач. Одной из актуальных проблем школьного образования является воспитание личностей с креативным мышлением, самостоятельно и непрерывно развивающих свои знания, умения и навыки, владеющих комплексными знаниями.

В последние годы в нашей стране проделана значительная работа по эффективному решению этих проблем и кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров. Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, установленных в Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года №ЗРУ-637 «Об образовании», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе от 5 сентября 2018 года №УП-5538 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием», Указе от 29 апреля 2019 года №УП5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология», а также других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование реализовано в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Проблемы системы народного образования в Республике Узбекистан, разнообразные современные методы обучения, методы эффективного использования самостоятельной работы в учебном процессе и внеучебной деятельности, дидактические игры, организация внеклассной деятельности на основе информации о практическом значении химии изучены и разработаны рядом ученых, таких как Б.Зиёмухаммадов, Н.Н.Азизходжаева, Н.С.Сайдахмедов, Х.Т.Омонов, Ш.Мамажонов, Ш.Ш.Бегматов, Э.У.Закинов, Э.У.Эшчанов, С.А.Низамова, Ж.Э.Усаров, Б.М.Думонов, Р.Ш.Бердикулов.

Учеными Содружества Независимых Государств В.В. Гузеевой, О.С. Зейцевым, Г.К. Селевко, Г.М. Чернобельской изучены различные традиционные и современные методы, направленные на повышение эффективности обучения, виды и формы самостоятельной работы и их роль в учебном процессе. В научно-исследовательских работах И.П. Балаевой, М.П. Руденко, Т.А. Шипаревой по развитию экспериментальных навыков учащихся описаны научно-методические основы решения экспериментальных задач в домашних условиях и организации проведения экспериментов, их применения на практике.

